AMERICAN JOURNAL OF EDUCATION AND LEARNING
ISSN: 2996-5128 (online) | ResearchBib (IF) = 10.91 IMPACT FACTOR
Volume-3| Issue-10| 2025 Published: |30-11-2025|

БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ МАЪСУЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК – ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.17606892

Акбарова Гулбахор Олимовна
Ўзбекистон миллий педагогика университети "Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти.
Шерматова Умидахон Нурилло қизи.
Ўзбекистон миллий педагогика университети 2 курс магистри.

Талабаларда касбий масъулиятни шакллантириш ишлари ўта мураккаб жараён саналиб, ҳозирги кунда уни чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан кўплаб психологик-педагогик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, маҳаллий муҳитда ушбу муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ишлари ҳозирга қадар илғор педагогик - психологик тадқиқотларга зарурат сезмоқда. Чунки, касбий масъулият шунчаки таълим-тарбия жараёни билан шаклланиб қолмайди балки, унда талаба шахсига хос қадриятлар тизими, ҳиссий-иродавий соҳа мазмуни, когнитив соҳани ривожи, касбий муваффақиятни таъминловчи пухта ўзлаштирилган кўникма ва малакалар, касбий маҳорат, касбий компетентлик каби сифатларни шакллантириш ишлари назарда тутилади. Бизнингча, олий таълим шароитида ўқув машғулотларни маваффақиятли даражада ташкил этиш касбий масъулиятни шакллантиришнинг дастлабки босқичи саналади. Жаҳонда таълим сифати кадрларнинг касбий масъулияти, интеллектуал салоҳияти ва касбий ташаббускорлик хусусиятларнинг шаклланганлик даражаси билан белгиланмоқда. Ҳар йили 7% шахслар турли ҳаётий қийинчиликлар туфайли ўз касбларини бошқа касбларга ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқий мақомга эга бўлган «Pew research center» агентлигининг 2021 йилги берган маълумотига кўра, соҳалараро касбий масъулиятлилик сифатлари банк-молия ходимларида 84%, ахборот технологиялари ходимларида 84%, педагог ходимларда 59%, техник соҳа ходимларида 59%, ҳарбий хизматчиларда 46%, тиббиёт ходимларида 33%, санъат ходимларида 23%, қишлоқ хўжалиги ходимларида эса 22% кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган. Бу борада, талабаларда касбий масъулият шаклланишининг психологик хусусиятларини комплекс равишда тадқиқ қилиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида касбий муносиблик, касбий масъулият шаклланиш динамикаси, талабаларнинг фаол ва барқарор мотивлари ва уларни ривожлантириб бориш, индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғланган маънавий даҳлдорлик, жавобгарлик ҳиссини кучайтириш масалаларига оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, талабаларда касбий масъулиятни шакллантиришда масъулият феноменини ўрганиш ва касбий масъулиятни ривожлантиришнинг замонавий ёндашувлари, психологик хусусиятлари ҳамда уни рўёбга чиқариш имкониятлари ва таъсир кўрсатувчи педагогик - психологик омиллари, касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ этишга йўналтирилган масалаларнинг асосини белгилаб берувчи муҳим таркибларини белгилаб олиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларга эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда. Республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ёшлар таълим-тарбиясига оид қатор ислоҳотлар туфайли, юртимиз келажаги учун масъулиятли, юқори малакали мутахассисларни, юксак интеллектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади...» ғоясига таяниб, касбий масъулиятнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш ишларида аввало, муаммога оид услубий таъминотни модернизациялаш, илғор тажрибаларга асосланган маҳаллий методикалар ва шахс сўровномаларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш, шунингдек, ушбу масалага янгича илмий ёндашув асосида илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда назарий ечимларини топиш учун етарли имкониятлар юзага келди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таълим сифати кадрларнинг касбий масъулияти, қобилиятлари ва уларнинг инновацион, креатив фаоллигининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Жаҳонда таълимнинг глобаллашуви жараёнида талабаларда касбий масъулиятни ривожлантиришнинг психологик механизмларини талабаларнинг шахсий аутопсихологик қобилиятлари, когнитив, ижодий фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базаси янгиланди, моддий-техник инфраструктураси яратилмоқди. Олий таълим ташкилотларини стратегик

ривожлантиришнинг «Йўл харита»лари ишлаб чиқилган, хорижий давлатларнинг етакчи Олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма факультетлар, университет филиаллари ташкил этилмоқда. Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар талабаларда касбий масъулиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Олий таълим тизимининг ҳар бир босқичида талабаларда касбий кўникмаларнинг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиб бориши жараёни муҳим аҳамиятга эга саналади. Жаҳоннинг психология бўйича мутахассислар етиштириб чиқарадиган етакчи олий таълим ташкилотларида талабаларда касбий масъулиятни ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: талабаларда касбий масъулиятни ривожлантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини таъминлашнинг психологик механизмларини такомиллаштириш; талабаларда касбий масъулиятни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш; талабаларда касбий масъулиятни ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш; касбий масъулиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик диагностик аппарати ва методикалар мажмуини такомиллаштириш муҳим саналади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, талабаларнинг касбий масъулиятини шакллантириш учун етарлича шарт-шароитларнинг мавжудлиги, уларнинг келгуси касбий фаолият жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни тез ва осон енгиши ҳамда ўзлаштиришига имконият яратиб беради. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг олий таълим жараёнидаги ўқитиладиган мутахассислик фанларини пухта ўзлаштириши ва касбий фаоллигини тезкорлик билан бажаришни талаб қилади. Албатта, бу каби сифатларнинг шаклланишига талабалардаги индивидуал-психологик хусусиятлар ёрдам беради. Талабаларда касбий масъулиятни шакллантириш жараёнини педагогик - психологик жиҳатдан тадқиқ этиш, бугунги кун олий таълим тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири саналади. Тадқиқотнинг юқорида келтирилган боб ва параграфларида касбий масъулият феноменини психологик жиҳатдан тизимли равишда таҳлил қилинган назарий манбалар, мавзу доирасида ўрганилган хориж олимларининг назарий-илмий, амалий тадқиқотлари билан бойитилганлиги, психологиянинг кенг тармоқларидан саналган умумий психология, касбий психология, психодиагностика, ижтимоий психология, амалий психология ва татбиқий психология каби йўналишларини янги илмий-назарий ва амалий хулосалар билан ривожлантиради. Шунингдек, талабаларда касбий масъулиятнинг психологик хусусиятлари ва уни амалиётда қўллашнинг индивидуал-

психологик нуқтаи назардан тадқиқ этилишига ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, касбий масъулият шаклланиш жараёнини олий таълим ташкилотлари талабаларида ўрганиш билан бир қаторда касбий ва дифференциал-психологик жиҳатдан ўспиринлик давридаги талабалар мисолида ўрганиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларига ёрдамчи илмий-амалий тадқиқот вазифасини ўташи мумкин. Ўтказилган тадқиқот жараёнидан талабаларни давлат ва нодавлат ташкилотларига масъулиятли ходим сифатида тайёрлаш, уларда келгуси касбий фаолиятга кириб борганда ўз устида тинмасдан шуғулланиш, касбий иш фаолиятини мукаммал ўзлаштириш, касбий билимларини шакллантириш, касбий қийинчиликларни осонлик билан енгиши ва конструктив билимларни ривожлантиришда касбий масъулият шаклланишининг психологик хусусиятлари ўрни қандай кечаётганлигини эътиборга олиш зарур, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, ушбу мавзудаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш учун Европа ва АҚШ психологиясида кўплаб тажриба синовлардан ўтган тест ва сўровномаларни танлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, тадқиқотни амалга оширувчи изланувчиларни олдига мураккаб вазифаларни қўйиши табиий. Масъулият тушунчаси инсоннинг атроф-муҳит талабларига фаол жавоб бериш ҳаракати билан характерланиб, ҳозирга қадар ушбу масала қатор фанлар психология, социология, педагогика ҳамда фалсафа каби фанлар тизимида долзарб муаммо сифатида ўрганиб келинмоқда. Бироқ, барча фанларда масъулият феноменини тушунтирувчи ягона концепциялар ёки ёндашувлар мавжуд эмас. Педагогик - психологик жиҳатдан, масъулият феномени – жавобгарлик, ўз-ўзига ҳисоб бериш каби маъноларни англатиб, унда шахс имкониятини белгиловчи кўплаб психологик омиллар ўз аксини топган. Шу билан бирга, мазкур хусусият мазмунида мажбурий ечим ва жавобларни талаб этувчи, инсоннинг махсус қобилиятлари ва истаклари тизими ҳам мавжуд.

Тадқиқотчи С.И.Ожеговнинг таҳрири остида чоп этилган «Рус тилидан изоҳли луғат» китобида қайд этилишича, масъулият бу – инсоннинг зарурий ҳаракатлари мажмуи ёки ўз ишлари учун жавоб бериш, ўз мажбуриятларини англаш каби сифатлари ҳисобланади . Яъни, масъулиятли шахс – бу ўз вазифаларини юксак даражадаги туйғулари билан бажарадиган шахсдир. Мазкур таърифдан шу нарсани англаш мумкинки, юксак даражадаги туйғуларнинг намоён бўлиши бу, инсон томонидан ўзлаштирилган билимлар, ишга бўлган юқори мотивация, атроф-муҳит талабларига нисбатан фаол жавоб бериш истаги каби хусусиятларнинг натижасидир. Бундан ташқари, масъулият тушунчасини илк бор психологик жиҳатдан

асослаш ҳолати психоанализ таълимотида ҳам акс этган бўлиб, унда масъулиятлиликни таъминловчи психологик асос сифатида виждон тан олинади. З.Фрейднинг қайд этишича, масъулият бу – виждоннинг ажралмас қисми ҳисобланиб, у инсонда мавжуд бўлган ижтимоий қўрқув орқали намоён бўлади.

Л.И.Дементийнинг айтишича, масъулият фанлараро мақомдаги феномен саналиб, у кенг маънода инсоннинг жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидаларга риоя қилиши, ўз ҳаракатлари устидан назорат ўрнатиши каби сифатларини тавсифловчи тушунчадир . Унинг икки муҳим жиҳати мавжуд:

–Ташқи жиҳат (жавобгарлик, жазо ва рағбат);

–Ички жиҳат (фаоллик, бурч, тегишлилик).

Мазкур мулоҳазага кўра, масъулият шаклланишининг ташқи жиҳати бу инсон томонидан вазифаларни қай тарзда амалга ошириш ҳаракатлари бўлса, ички жиҳат фаолиятга ва вазифаларга бўлган мотивация, муносабат, уларни амалга ошириш истаги кабиларда акс этади. Шахс хулқ-атворини намоён қилувчи масъулиятлилик термини Е.С.Рапацев томонидан изоҳланган психологик луғатида ҳам кенг ёритилган бўлиб, бунда мазкур хусусият ўзини-ўзи бошқариш, ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти каби маънолар билан тавсифланган. Бунда уни таъминловчи асосий омиллар сифатида инсоннинг иродавий сифатлари ва шахслилик сифатлари тан олинади. Масъулият тушунчасининг шахсдаги ташаббускорлик сифати билан таърифланиш ҳолатини акмеология фанига оид луғатларда ҳам учратиш мумкин. Яъни, мазкур манбага мувофиқ, масъулиятлилик сифати инсонга хос энг устун хусусиятлардан бири саналиб, у ташаббускорлик билан уйғун ҳисобланади.

С.В.Бессмертная «масъулият» феноменини таҳлил этар экан, ўзга тадқиқотчилардан фарқ қилган ҳолда, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятларнинг асоси, билиш жараёнларнинг маҳсули, шунингдек, шахсга хос фаоллик, ташкилотчилик вазифаларни бажаришга тайёрлик каби сифатлар мазмунда кўриб чиқишни алоҳида таъкидлайди . Демак, масъулиятлилик бир неча психологик таркибли психологик феномен ҳисобланади. Тадқиқотчилардан В.П.Прядеин ҳам «масъулият» тушунчаси мазмунини илмий асослаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, уни намоён бўлишининг ўзига хосликларини тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Муаллифнинг талқинича, масъулиятлилик хусусияти онгли ҳаракат саналиб, шахсий, жамоавий, касбий фаолият жараёнида ривожлана боради. Масъулиятлиликнинг рефлексивлик жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, бундай

қарашлар К.Муздыбаевнинг изланишларида ўз аксини топган. Муаллифнинг талқинича, масъулиятлилик бу – рефлексив шароитларда намоён бўладиган ёки бажарилган ҳаракатлар учун жавобгарлик сифати ҳисобланиб, унда шахс ўз келажагига бўлган муносабатини намоён этади. Педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, «масъулият» тушунчасининг тўлиқ, аниқ концепциялари ишлаб чиқилмаганлиги ва унинг тўлиқ талқини янги илмий-психологик ғояларга муҳтож эканлигини кўришимиз мумкин. Масъулият феномини назарий жиҳатдан изоҳлаш, маълум бир шахс типларига хос қадриятлар йўналиши ва ҳиссий-иродавий сифатлар орқали очиб бериш ҳолати гуманистик ва экзистенциал психология мактаблари таълимотларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу икки таълимотга мувофиқ «масъулиятлилик» инсонда қадриятларнинг тўғри йўналганлиги ҳамда эркинлик, мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари, топшириқларни ўз зиммасига олиш қобилияти кабилар орқали намоён бўлади. Бундан фарқли ўлароқ, психодинамик таълимот вакилларига кўра, инсонда масъулият ҳиссининг намоён бўлиши ва ривожланиши ижтимоий қўрқув ва жамиятдаги босим орқали пайдо бўлади. Жамиятдаги ижтимоий босим бу – инсон томонидан жамиятда қабул қилинган қонун ва қоидаларга тўлиқ риоя қилиш жараёнидир. Психоанализ таълимотининг асосчиси З.Фрейднинг айтишича, масъулият феномени ибтидоий характерга эга бўлиб, у қадимги одамлар ва жамоаларнинг жазолардан сақланишга қаратилган ҳаракатлари мажуидир. Бироқ, инсон оломон ичида масъулиятлиликни йўқотади. Яъни турли ижтимоий тўсиқлар инсондаги ушбу сифатлар ривожланишини тўсиб қўяди.Демак, масъулият феномени гуруҳ қоидаларига амал қилиш, бошқалар билан ўз мақсадларини бирлаштириш каби маънолар билан ҳам тавсифланади. Неофрейдизм таълимотида ҳам масъулият тушунчасининг ўзига хос талқини мавжуд. Ушбу таълимотнинг етакчиларидан бири Г.С.Салливаннинг талқинича, масъулиятлилик шаклланишини ижтимоий қўрқув сифатида эмас, балки атайлаб танланган ёки рад этилиши мумкин бўлган ўзига хос ҳаракат сифатида кўриб чиқиш лозим. Г.С.Салливандан фарқли ўлароқ, К.Хорнининг сўзларига кўра, масъулият бу субъектнинг шахсий ўсиши учун шарт саналган психологик заруратдир . Фақат неврозлар инсонни масъулиятлиликдан ва ривожланишдан тўхтатади.Хулосага кўра, инсон бирор бир фаолиятда масъулиятли бўлиши учун аввало, невротик вазиятлар ва неврозлардан ҳоли бўлиши лозим.

К.Хорни ғояларини давом эттирган неофрейдизмнинг яна бир таниқли вакили Э.Фром биринчилардан бўлиб, масъулиятлиликни эркинлик хусусияти билан боғлаб тушунтирди. Э.Фромнинг таъкидича,

масъулиятлилик инсонда болаликдан бошланади, кейинчалик у ижтимоий характерга эга бўлиб боради. Бунда инсон фаолияти учун хос бўлган мустақиллик, танлов эркинлиги, жавобгарлик каби сифатлар асосий омилдир. Э.Фром эркинликнинг икки турини ажратади: кутилаётган ва ҳақиқий эркинлик. Мана шу икки таркиб орқали инсон ўз-ўзини англайди, режалар тузади, натижаларни олдиндан кўра олади ҳамда танлаш эркинлигига эга бўлади. Умуман олганда, масъулият муаммосини бундай тушуниш кўпроқ гуманистик ҳамда экзистенциал йўналишдаги психотерапевтик ғояларда ўз аксини топган. Шахсда масъулиятлилик ривожланишини таъминловчи ахлоқий ривожланишнинг беш босқичини ажратиб ўтади:

Объектив босқич – бу ўз ҳаракатлари натижаси асосида, масъулиятлиликни англаш босқичи;

Субъектив босқич – бу нафақат натижани, ҳаракатларнинг мотивларини баҳолаш босқичи. Яъни, ушбу босқичда масъулиятлилик ижтимоий мажбурият сифатида қабул қилинади;

Ахлоқий камолот босқичи – бу босқичда масъулиятлилик сифати тўлиқ жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидалари билан тартибланади. Ахлоқий етуклик босқичида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга чиқади, шунингдек, бу жараёнда инсон ва унинг ҳаёт мазмуни алоҳида аҳамиятга эга саналади.

Прогностик (башорат қилиш) босқич – олдиндан бирор вазифалар, топшириқларни билиш босқичи. Бунинг учун шахсда мавжуд бўлган тажрибалар, компетенциялар ва юқори касбий малакалар муҳим саналади.

Рағбатлантирувчи босқич – интеллектуал ва ахлоқий ривожланиш масъулиятлиликни рағбатлантирувчи психологик омиллар ҳисобланади. Мазкур тасниф этилган мулоҳазалардан кўринадики, масъулият феномени динамик хусусиятга эга бўлган ва ахлоқий ривожланиш билан такомиллашиб борадиган психологик жараёндир. Л.Колбергдан фарқли ўлароқ, тадқиқотчи К.Хелкаманинг айтишича, масъулиятлилик тан олинган беш босқичда эмас, унинг охирги икки босқичида намоён бўлади . Яъни ушбу икки босқичда масъулиятлиликни таъминловчи когнитив ва интеллектуал камолот якунланади. «Масъулиятлилик» инсоннинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи ҳамда уларни онгли ҳаракатларга алмашинувини таъминловчи кўприкдир.

Хориж манбаларида масъулият феноменини педагогик - психологик жиҳатдан асослашга хизмат қилувчи кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Шулардан, А.Бандуранинг ижтимоий таълим назарияси ўзига хос тадқиқот саналади.

Муаллифнинг айтишича, шахсда масъулиятлиликнинг намоён бўлиши ташқи вазиятлар натижаси ҳамда сабабларга боғлиқ саналади. Яъни, масъулиятни англаш муваффақиятсизликни тушунишдан бошланади. Муваффақиятсизлик ўз ҳаракатларини тартибга солиш, ўз-ўзини бошқариш, ички назоратнинг ортиши, кейинги вазиятларга тайёр туриш кабиларга жавоб берувчи психологик жараёндир. Шу орқали шахснинг ташқи муҳит талабларига бўлган муносабатлари баҳоланади. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан фарқли ўлароқ, Америкалик машҳур психотерапевт Р.Мейнинг айтишича, шахсдаги масъулиятлилик сифати бу мустақил ҳаракат қилишнинг ажралмас шаклидир . Яъни, инсоннинг бирор вазифаларни моҳирона бажара олиши, етукликка қаратилган онг, субъектив тажрибалар кабилар масъулиятни характерловчи педагогик - психологик унсурлардир. Масъулиятлилик бу оддий ҳаракат эмас, у муайян мақсадлар ва режалар акс этган мураккаб жараёндир. Ушбу тушунча мазмунида ўз имкониятларини англаш ва айбдорлик ҳиссидан сақланиш тажрибаси кабилар ҳам акс этган.

В.Э.Франкл ўзининг «Фикр излаётган одам» асарида масъулият муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, унда қадриятларнинг роли мавжудлигига алоҳида эътибор қаратади . Шу билан бирга, муаллиф масъулият феноменига тегишли икки жиҳатни ажратади:

–Инсон нима учун масъулиятли;

–У ким учун ва нима учун масъулиятли бўлиши керак.

Биринчи ҳолатда, инсон ўз мавжудлигини белгилаши учун ҳамда ўз қадриятларини руёбга чиқариши учун масъулиятли бўлиши лозим. Иккинчи ҳолатда, инсонда масъулиятлиликни таъминловчи кечинма бу иродадир. Яъни, мустақил қарор қабул қилиш учун аввало, шахс масъулиятли бўлиши лозим. Демак, мустақил қарор қабул қилиш ва масъулиятлилик инсонни маънавий жиҳатдан юқсалтиришга сабаб бўлади. А.Лэнгленинг сўзларига кўра, масъулиятлилик шунчаки фаолиятда пайдо бўлмайди . У мураккаб вазифаларни бажариш, олий мақсадларни амалга ошириш, режаларни ўзгартириш, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш каби жараёнларда шаклланади. Шунинг учун уни ўрганишда кўплаб индивидуал-психологик хусусиятларнинг ролини текшириб кўриш лозим. Ушбу мулоҳазалар логотерапевтик назариясида ўз аксини топган. Гештальт терапия таълимотида ҳам масъулият феномени ўзига хос тадқиқ этилган бўлиб, унда инсоннинг ташқи муҳит билан чегараси жавобгарликни юзага келтиради. Ф.Перлзнинг айтишича, ташқи муҳит билан инсон ўртасида доим алоқада чегара бўлиши керак. Акс ҳолда жавобгарлик ва масъулиятлилик ўз кучини йўқотади. Бизнингча, чегара бу инсоннинг ўз-ўзини англаши, инсоннинг

бошқалар билан ўзига хос муносабатлари тизимидир. Мана шу ерда ўзаро ҳурмат, қадриятларга содиқлик, инсон-инсон ўртасидаги муносабатлар шериклик асосида кечади.

–Мустақиллик ва масъулият ҳар доим ўз режаларини амалга ошириш билан боғлиқ танловни назарда тутади, бироқ инсон ҳаётда ва касбий фаолиятда бошқа кишиларнинг эҳтиёжлари ва режаларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши, иш юритиши, фикр юритиши шунингдек, қарорлар қабул қилиши лозим;

–Касбий масъулият бурч ва виждон тушунчасининг ядроси сифатида – бунда инсоннинг жамият ва бошқа инсонлар олдидаги бурчи ҳамда унда шаклланган виждон ҳисси ҳисобга олинади. Виждон ижтимоий мослашув жараёнлари таъсири остида шаклланади ва охир–оқибат у бурчни амалга ошириш сифатида якунланади;

–Касбий масъулият шахснинг ўзига хос хусусияти яъни муайян шахснинг хусусиятларидан бири сифатида. Касбий фаолиятда масъулият ҳисси, шахс хулқ-атворини ташқи ва ички томондан тартибга солишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир вояга етган шахснинг жавобгарлик сифатлари, унда ривожланган ўзини ўзи бошқара олиш кўникмалари ва малакалари билан характерланади;

–Касбий масъулият касбий қадриятлар билан уйғун саналиб, у педагогик фаолиятда ўқитувчи шахсига хос қадриятлар тизими билан такомиллаша боради. Ва бу бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига таъсир этувчи ўзига хос омил ҳам саналади. Мазкур таснифга кўра, касбий масъулият ахлоқий характерга эга бўлиб, унда бўлажак педагогларга хос ўз-ўзини тартибга солиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, виждонлилик ҳамда бурчга содиклик каби психологик жиҳатлар ўрин олган.

И.А.Зимнянинг айтишича, масъулиятлиликни таъминловчи асосий компетенциялар тури қуйидагилар саналади :

–Когнитив фаолиятга хос компетенциялар;

–Ижтимоий муносабатларга хос компетенциялар;

–Ахборот технологиялари соҳасига бўлган компетенциялар;

–Фаолиятга хос компетенциялар ва ҳоказо.

1. Когнитив фаолиятга қаратилган компетенциялари – ўқув фаолиятида намоён бўладиган креативлик, ижодкорлик, махсус қобилиятлар, интеллект, сезгирлик, кузатувчанлик, муаммоли вазиятларни оқилона ҳал қила олиш, илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаси, турли вазифаларни ҳал этишга бўлган ақлий тайёргарлик каби қобилиятлар мажмуи саналади;

2. Ижтимоий муносабатларга қаратилган компетенциялар – ҳамкорлик қила олиш қобилияти, янги муҳитга мослаша олиш қобилияти, бошқалар билан мулоқот қилишни ташкил эта олиш қобилиятлари ва ҳоказо;

3. Ахборот технологиялари соҳасига қаратилган компетенциялар – замонавий компьютер имкониятларидан хабардорлик, турли ахборотларни тўғри идрок эта олиш қобилияти, янги маълумотларни қайта ишлай олиш ҳамда ўзгартириш каби қобилиятларни ўз ичига олади.

4. Ўқиш ва ишлаш жараёнида намоён бўладиган фаоллик компетенциялари – ўз фаолиятини режалаштириш, вазифаларни лойиҳалаш, моделлаштириш, фараз қила олиш ҳамда илмий тадқиқотчиликка бўлган қобилият кабилар билан характерланади. Ушбу тасниф этилган муваффақиятли шахсга хос компетенциялар касбий масъулият шаклланишини таъминловчи психологик компонентлар саналиб, улар айнан талабалик давридан бошлаб такомиллаша боради. Чунки, мазкур давр шахс учун нафақат касбий камолот даври балки, ижтимоий муносабатларни ўзлаштириш, ҳамкорликда ишлаш, касбий ўз-ўзини ривожлантириш каби қобилиятларни янада ривожлантириш даври ҳам саналади.

Юқоридаги илмий-амалий тажрибалар мазмунидан шу нарса маълумки, касбий масъулият шаклланиши жараёни метапсихологик ҳодиса саналиб, унда талабалар фаолиятига хос когнитив соҳа ривожланиши, фаолиятга бўлган муносабат, мотивацион соҳа даражаси, ҳиссий-иродавий соҳанинг динамик хусусиятлари кабилар эмпирик ўрганилади. Шунинг учун ҳам касбий масъулият шаклланишининг психологик хусусиятларини текшириш, қатор психодиагностик методикалар, шахс сўровномалари кабиларга таянади. Умуман олганда, тадқиқотларда тажрибаларни қай тарзда ташкил этиш масаласи ўта муҳим иш саналади. Қоидага кўра, ушбу жараён қуйидагича амалга оширилади:

1. Муаммоли вазиятни аниқлаш яъни тадқиқот мавзусини танлаш ва унинг долзарблигини асослаш;

2. Танланган тадқиқот мавзусига доир илмий адабиётлар таҳлилини амалга ошириш;

3. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини илгари суриш, шунингдек, мавзу бўйича масалаларнинг аҳволини таҳлил қилиш;

4. Тушунчалар операционализацияси – мавзудаги тушунчалар айнан нимани ифодаланишини аниқлаш;

5. Фаразни илгари суриш;

6. Тадқиқот проектини ишлаб чиқиш;

7. Тадқиқот усулларини танлаш, танланмани асослаш, методика даражасидаги инструментларни ишлаб чиқиш, тадқиқотни ўтказиш, маълумотларни йиғиш ва олинган натижаларни қайд этиш;

8. Натижаларнинг интерпритацияси – олинган натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва тадқиқот натижалари бўйича хулоса

Юқоридаги мулоҳазалардан айтиш мумкинки, талабаларга хос касбий масъулият хусусияти – субъектнинг эркин ҳиссий-иродавий ҳаракати бўлиб, у шахснинг вазифаларни олдиндан билишга тайёргарлиги билан характерланади. Бундан ташқари, талабаларда касбий масъулиятни шакллантириш ишларида тўрт муҳим компонентни такомиллаштириш ўта муҳимдир яъни:

–Когнитив компонент;

–Ҳиссий - иродавий компонент;

–Мотивацион компонент;

–Хулқ-атвор компонент.

Демак, талабаларда касбий масъулиятлилик шаклланишини таъминловчи педагогик - психологик омиллар фақат индивидуал-психологик хусусиятларини такомиллаштириш орқалигина эмас, касбга оид билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивация, эмоционал интеллект, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаси, адолатлилик ҳамда тиришқоқлилик сифатларини ривожлантириш орқали ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, касбий масъулиятлиликни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари ўз мазмунида, масъулиятлиликни белгиловчи ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий асосларни ҳам қамраб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, талабаларда касбий масъулиятни ривожлантириш уларнинг когнитив фаоллигини ошириш билан ҳам амалга оширилади. Когнитив фаоллик мазмунан талабалар шахсига хос интеллектуал фаоллик, ўз-ўзини ривожлантира олиш қобилияти, ўз устида ишлаш қобилияти, юқори даражада ривожланган адолат туйғуси, вазифаларни ўз вақтида самарали бажариш тажрибаси, шахслараро муносабатларга жавоб берувчи ижтимоий компетенциялар, махсус қобилиятлар ҳамда соҳага бўлган йўналганлик хусусиятларига ҳам жавобгар саналади. Айрим манбаларда келтирилишича шахсда касбий масъулиятнинг намоён бўлиши ўзига хос ҳодиса саналиб, у шахсни субъект сифатида қандай ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқлиги таъкидланади. Яъни талабаларда мавжуд бўлган мустақиллик, ишончлилик, стрессга чидамлилик, касбий

компетентлик, ҳиссий барқарорлик, изланувчанлик, ўз-ўзини бошқариш каби сифатлари ҳам масъулиятлиликни таъминловчи механизмлар саналади.

Талабаларда касбий масъулият ҳиссини ривожлантирувчи ижтимоий – психологик дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Касбий масъулиятлилик даражасини диагностика қилиш;
2. Келажакдаги мутахассисларнинг касбий компетенцияларига мувофиқ шахсий фазилатларни ривожлантириш;
3. Талабаларда масъулиятлиликни шакллантиришга қаратилган маъруза хоналарининг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда, шахсда касбий компетентлик ривожланиши масаласини тадқиқ этар экан, унингча ушбу хусусият – бўлажак касб эгасининг махсус қобилиятини шунингдек, қобилиятларнинг кейинги ривожланиш динамикасини, ўз устида ишлаш тажрибасини, касбий талаб ва меъёрларга муносиблик сифатларини акс эттирувчи психологик феномендир. Умуман олганда, ушбу сифатлар ҳар қандай фаолиятда, соҳага оид жавобгарликни ривожлантиришга ва меҳнат функцияларини самарали кечишига имкон берувчи сифатлар мажмуидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022. - 06/22/60/0082-сон. Б. 47.
2. Акмеологический словарь / Под ред. А.А.Деркача. 2-е изд. - М.: РАГС, 2005. – 161 с.
3. Арзиқулов Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари // Автореф. псих. фан. номз. дис. – Т. 2002. – 23 б.
4. Головко Е.А. Технология формирования коммуникативной компетентности молодых специалистов вуза на этапе адаптации к педагогической деятельности [Текст]: автореф. дис. канд. пед. наук: 13.00.08 / Е.А.Головко. – Ставрополь, 2004. – 20 с.
5. Деркач А.А. Акмеология Текст. / А.А.Деркач, В.Г.Зазыки. СПб.: Питер, 2003. – 256 с.
6. Джеймс У.Д. Прагматизм. Воля к вере Текст. / У.Джеймс – М.: Республика, 1997. – 430 с.
7. Маркова А.К. Психология профессионализма. М. 2-Изд. Юнайт, 2004.– 308 с.

8. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд. – СПб.: Питер, 2003. – 352 с.

9. Сирлиев Б.Н. Ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари усталари касбий камолотининг психологик жиҳатлари. Дисс. психол. фанл. ном., – Т.: ЎзМУ – 2000. – 121 с.

10. Қодиров Б.Р. Касбий ташхис методикалари. Т. 2002. – 56 б.

11. Helkama K. Development of attribution of responsibility in ontogenesis // Problems of personality psychology. M., 2002. – P. 148 - 154

12. Kohlberg Lawrence. The Claim to Moral Adequacy of a Highest Stage of Moral Judgment // Journal of Philosophy, USA, 2007. – PP. 63.

13. Rychlak J.F. The nature and challenge of teleological psychological theory // Annals of theoretical psychology / Eds. J.R.Royce, Mos. – N.Y.: Plenum Press, 2011. V. 2. P. 86 - 95.